

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 6 ноябрь, № 217 (5891) Чоршанба

## хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

*■ Навоий шаҳрида “Bagil medikal” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Жанубий Кореянинг “Tolbiz Co. Ltd” компанияси билан ҳамкорликда “Bagil Medical New Technology” қўшма корхонаси ташкил этилди.*

### Тиббиёт учун зарур воситалар

Лойиҳа доирасида Жанубий Кореядан қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг замонавий технологик ускуналар, ихчам техникалар келтирилиб, тиббиётда қўлланиладиган бир марталик шприцлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Йилига 16,2 миллион дона маҳсулот тайёрлаш имконига эгамиз, — дейди корхона директори Фахриддин Баротов. — Технологияларимиз тўлиқ компьютерлаштирилган. Ишлаб чиқариш жараёни ҳамда маҳсулотларимиз сифати халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Эътиборлиси, мазкур корхона фойдаланишга топширилиши билан 36 нафар маҳаллий мутахассис ишли бўлди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Фарғона туманининг Янгиобод қишлоғида фаолият кўрсатаётган “Шамс зиё” хусусий корхонаси банкнинг молиявий кўмагига таяниб тўқимачиликни йўлга қўйди.*

### Истиқболли лойиҳаларга молиявий кўмак

— Корхонамиз вилоят саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида ташкил этилди, — дейди корхона раҳбари Низомиддин Бакиров. — Япониядан тикув ва тўқув дастгоҳлари олиб келингач, мактаб ўқувчилари учун формалар, болалар костюм-шимлари, ишчилар учун махсус коржомалар тайёрлай бошладик. Мақсадимиз корхонани ривожлантириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишдир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Шаҳрисабз туманидаги “Садо” масъулияти чекланган жамиятида модернизация ишлари амалга оширилди.*

### Сифат, экспорт ва даромад

Натижада иш самарадорлиги ортиб, жорий йилнинг ўтган даврида 422 минг АҚШ долларилик трикотаж маҳсулотлари ташқи бозорда сотилди.

Айни пайтда 100 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада болалар ва катталар учун мўлжалланган 17 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, корхона жамоасининг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Жиззах шаҳридаги “Идея мебель сервис” масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳа амалга оширилиб, 10 та иш ўрни яратилди.*

### Унумдор ва тежамкор

Бунинг учун жамият аъзолари ўз маблағидан ташқари, банкнинг 38 миллион сўмлик кредитидан фойдаланиб, хорижнинг замонавий технологиясини ишга туширди.

— Янги ускуналарнинг ихчам ва тежамкорлиги ҳар томонлама қўл келмоқда, — дейди жамият раҳбари Вали Икромов. — Ҳар ойда буюртмалар асосида умумтаълим мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва аҳоли учун 20 турдан ортиқ мебель маҳсулотлари тайёрлаб бераяпмиз. Келгусида қўшимча технологияларни олиб келиб, янги турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига ишчилар сонини 2,5 баробар оширмоқчимиз.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Пастдарғом тумани маркази — Жума шаҳридаги “Жума элеватори” очиқ акциядорлик жамияти томонидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

### Дастурхон файзи

Корхона цехлари Германиянинг “Wachtel” технологияси билан жиҳозланди. Мазкур лойиҳа рўёби учун 309 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ўн саккиз кишининг бандлиги таъминланган корхонада тез орада қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА САМАРАДОРЛИК





*Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлигини ошириб, жумладан, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаяпти. Негаки, бизнес учун мақбул шарт-шароитлар чет эллик инвесторларнинг мазкур соҳага қизиқишини тобора оширмоқда. Натижада ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар ҳажми йил сайин кўпайиб, истиқболли лойиҳалар муваффақиятли рўёбга чиқарилаётир.*

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, масалан, Сирдарё вилоятида иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинган инвестициялар миқдори 553,5 миллиард сўмни ташкил этиб, бу борада 12,1 фоиз ўсишга эришилди. Фақат Инвестиция дастури доирасида 20 та лойиҳа учун 17,2 миллион АҚШ долларилик чет эл сармояси ўзлаштирилиши натижасида янги субъектларда кўплаб иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имконияти пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ташкил этилаётган бундай корхоналар вилоят саноатини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Бунда, айниқса, “Темур Мед Фарм”, “Мили Гулистан текстиль”, “Бахттексфарм”, “Мос-Янтекс”, “Гулрентекс”, “Кармента Ян текс” каби корхоналарнинг улуши салмоқли бўлмоқда. Айни чоғда уларда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича изланишлар олиб борилаётгани эътиборга лойиқдир.

Сирдарё туманидаги “Пенг Шенг” корхонаси — шундай экспортчи корхоналардан бири. Умумий майдони 37 гектардан иборат ушбу корхона Ўзбекистонда Хитой ишбилармонлари томонидан амалга оширилган биринчи йирик лойиҳа бўлиб, у ўзининг кўп тармоқлилиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, ўтган уч йил ичида бу ерда керамик қопламалар — кафель тайёрлаш маҳаллийлаштирилгач, ички бозорда мазкур маҳсулотнинг сероблиги ва арзонлиги таъминланди. Шу билан бирга, жорий йилнинг тўққиз ойида 1 миллион 187 минг квадрат метр кафель экспортга чиқарилди. Бундан ташқари, корхонада чармга ишлов бериш, пойабзал тайёрлаш ҳажми ҳам тобора ортган бўлса, шу йилдан бошлаб Хитойнинг “ZTE (H.K.) LIMITED” компанияси билан ҳамкорликда мобиль телефонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ИСЛОҲОТ

*Ўзбекистон кейинги йилларда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга эришаётган давлат сифатида халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Сабаби, юртимизда барча соҳаларда жадал ўсиш кузатилиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора фаровонлашиб бораяпти. Бундай ижобий натижаларга эришишда беш тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ўзимизга хос ва мос йўли асосида изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани, қулай ишбилармонлик муҳити яратилаётгани муҳим омил бўлаётир.*

**Кичик бизнес:**

# МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилиб, Конституциямиз ҳамда миллий қонунчилигимизда унинг устуворлиги таъминлангани айни муддао бўлди. Пировардида истиқлол йилларида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тадбиркорлик фазилати нафақат қайта тикланди, балки янгича маъно-мазмун билан бойиди. Айниқса, Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тадбиркорлик ҳаракатининг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш, ишбилармонларнинг қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлашда устувор аҳамият касб этмоқда. Зеро, унда бозор муносабатлари ривожланишининг янги реал ҳолати талабларига мос келадиган меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган бўлиб, шу асосда бугунгача “Рақобат тўғрисида”, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги бир қатор янги қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда республикамизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, бизнес ишларига маъмурий ва бюрократик аралашувни чеклашга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларга мувофиқ, қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгилангани, рухсат бериш тартиб-таомиллари ҳамда лицензия талаб этадиган фаолият турлари кескин камайтирилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Чиндан ҳам, мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим соҳасига айланган тадбиркорлик учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Уни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш мақсадида қўшимча имтиёз ва преференциялар қўллаш, молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисобот топшириш механизмини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилаётгани қувонарлидир. Президентимизнинг 2012 йили қабул қилинган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари тизимдаги янгиланишларда дастуриламал бўлмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим омили

Бугунги кунда юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга катта эътибор қаратилаяпти. Шубҳасиз, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва билим олишлари учун қулай шарт-шароит яратиш, бунда интернетда миллий ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш йўлида қатор ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Булар эса, ўз навбатида, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг жаҳон маданияти ва ахборот ресурслари, жумладан, таълим ва интеллектуал даражаси ўсиши учун зарур бўлган ахборот ва материаллардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш билан бевосита боғлиқ. Айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда ушбу соҳада тизимли ва кенг миқёсли ишлар амалга оширилаяпти. Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича салмоқли қонунчилик базаси мавжудлиги, миллий ахборот маконини бойитиш ва тўлдириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, шулар қаторида таълим, илм-фан, маданият ва маърифат соҳаларининг барча йўналишларини қамраб олувчи “ZiyoNET” ягона ахборот портали иш юритаётгани, ахборот-кутубхона фаолияти такомиллаштириб борилаётгани бунинг тасдиғидир.

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда шулар алоҳида таъкидланди.

Маълумки, ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрловчи, ўз қатъий ҳаётий позициясига эга, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга қодир ёшларни вояга етказиш мамлакат ва жамиятни янгилаш, модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашнинг зарур шартидир.

**(Давоми 2-бетда).**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**2013 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши**

**6,8** **фоизни ташкил қилди.**

Ушбу соҳанинг моддий-техник базаси ва инфратузилмасини такомиллаштириш, интенсив агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган қувватларни кенгайтириш ҳисобига ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

# Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

## баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, интернет хизматлари янада қулайлаштирилиб, операторлар ва провайдерлар учун интернет-каналлар нархи 2012 йилдагига нисбатан 2 баробар камайтирилди, интернетдан фаол фойдаланувчилар сони 10 млн. кишига етди. Бундан ташқари, миллий ахборот-излаш тизимини яратиш, уни маҳаллий ижтимоий тармоқлар, блоглар, мобиль алоқа миллий операторлари ва бошқа замонавий ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш борасида муайян ишлар амалга оширилаяпти.

Тадбирда АКТни давлат ва жамият тузилмалари фаолиятига жорий этиш ҳолатини янада чуқур ўрганиш, жабҳадаги янгиланишларни кенг тарғиб этишда мунтазам ўтказиб келинаётган парламент назорат-таҳлил тадбирлари, анжуманлар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг аҳамияти катта бўлаётгани қайд этилди.

Сўзга чиққанлар глобаллашув шароитида ахборот-коммуникация технологиялари, аввалambор, интернет болалар ва ўсмирлар онгига таъсир этувчи муҳим омилга айланаётгани хусусида тўхталиб ўтдилар. Зеро, АКТ ва интернетнинг жамият ҳаётига кенг миқёсда жорий этилиши ёшларни ахборот соҳасидаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, четдан кириб келаётган мафкуравий хуружлар, бузғунчилик таъсирларидан сақлаш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

Тадбирда бугунги кунда соҳадаги қонунчиликни янада маромига етказишга доир таклифлар тайёрлаш, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан интернетдан хавфсиз фойдаланишнинг амалий механизмлари, технологик усулларини ишлаб чиқиш, жорий этишга эътибор кучайтирилаётгани айтиб ўтилди. Мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг замонавий талаблари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот ресурслари сифатини ошириш, интернет тармоғи миллий сегментида ёшларга оид таълим-тарбия ва билим олишга доир ахборот ресурсларини ривожлантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ташкил этиб келинаяпти, уларга экспертлар ва мутахассислар жалб қилинмоқда. Қолаверса, ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари фаолияти самарадорлигини ошириш, вояга етмаганларни улар саломатлиги ва маънавий-ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан муҳофаза этишни қонунчилик асосида таъминлаш бўйича хориж тажрибаси ўрганилаётир.

Семинарда мамлакатимизда ёшлар учун қулай бўлган ахборот маконини шакллантириш ҳамда вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Чунончи, "ZiyoNet" таълим-ахборот порталини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий-техник ва интерфаол имкониятларини ошириш, интеграциялашган замонавий интернет-ресурслар, ёшлар ўртасида оммабоп ижтимоий сервислар ҳамда ривожлантирувчи ўйин иловаларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим муассасалари ўқув дастурларига киритиш лозим. Шунингдек, инсон, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолига электрон интерфаол хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, ғоявий-маърифий ва маънавий-ахлоқий йўналтирилган миллий интернет-манбаларни янада тараққий топтириш, бу йўлда тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Якунда ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини янада тараққий топтириш ва қўллашга оид таклифлар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

---

ТАДБИР

*Тошкентда Ўзбекистонда Европа таълими кунларининг ўтказилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил қилинди.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЕВРОПА ТАЪЛИМИ КУНЛАРИ

2013 йилнинг 11 ноябридан 15 ноябригача ўтказиладиган Ўзбекистонда Европа таълими кунлари доирасида «Европа Иттифоқидаги таълим» таълимий кўргазмаси, мамлакатимиз университетларида «Эразмус Мундус» стипендиал дастур тақдимотлари ва ушбу дастур битирувчилари учун давра суҳбати бўлиб ўтади.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Ю. Штерк, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Т. Низомов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрли шахсларни тарбиялашда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур соҳада самарали халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши таълимнинг миллий модели малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилганлигидан далолат беради. Ўзбек ёшлари нафақат мамлакатимиз таълим даргоҳларида, балки хорижий ўқув юртларида ҳам ўз билимини ошириш, замонавий ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириш, замон талаблари даражасида таълим олиш имкониятига эга.

Ўзбекистон ва Европа олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик «Темпус» дастури доирасида амалга оширилмоқда, у ўз навбатида яна бир дастур — «Эразмус Мундус» фаолиятига замин яратди. Мамлакатимизнинг 55 дан зиёд олий ўқув юрти талабалар ва ўқитувчилар мобиллигини қўллаб-қувватлаш бўйича олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликнинг узоқ муддатли лойиҳаларида иштирок этмоқда. Бу эса Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА САМАРАДОРЛИК



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳозирги кунда энг сўнгги электрон технологиялар ва андозалар асосида уч турдаги мобиль телефон аппаратларини ишлаб чиқараяпмиз, — дейди цех бошлиғи Лю Сео Дун. — Қувонарлиси, бу мураккаб жараён касб-ҳунар коллежларини тамомлаган маҳаллий ёшлар томонидан амалга оширилмоқда.

Корхонанинг мазкур цехи бир йилда 100 мингта мобиль телефони ишлаб чиқариш қувватига эгалигини инобатга олсак, тез орада корхонанинг экспорт салоҳияти ошиши баробарида, бозоримиз ўзимизнинг маҳсулотларимиз билан тўлдирилиши яққол аён бўлади.

Айни пайтда "Пенг Шенг"да сантехника буюмларини тозалаш воситалари, уй ҳайвонлари учун озуқалар, жарроҳлик иплари каби бир неча янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда. Демак, унинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг юксак самарасидир, албатта.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**(суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

# Талаб ва таклиф уйғунлиги

*"Наманганмаш" очиқ акциядорлик жамиятида маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури бир йўла тўрттага кўпайди.*

ИЗЛАНИШ

Мураккаб конструкцияли ушбу эҳтиёт қисмларни тайёрлаш "Ўзметкомбинат" акциядорлик компанияси таклифи асосида ўзлаштирилди. Айтиш жоизки, илгари бундай техник воситалар хориждан келтириларди. Наманганлик машинасозлар уларни тайёрлашга киришган палладаёқ 200 миллион сўмлик дастлабки шартнома имзоланиб, ҳозирги кунга қадар буюртманинг эллик фоизи уддаланди.

"Наманганмаш"га шу мазмундаги таклифлар тез-тез тушиб туради. Хусусан, аввалроқ Оҳангарондаги цемент ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ўзи учун зарур бўлган икки турдаги задвижкани шу ердан ола бошлаган эди.

Умуман, изчил изланишлар натижасида "Наманганмаш" маҳсулотлари тури 30 тадан ортди. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона жамоаси томонидан мазкур йўналишда буюртмачиларга 2 миллиард 400 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилиб, кўзда тутилган режа 163 фоизга бажарилди.

**Н. ҚУДРАТОВ.**

---

# Фаровон турмуш мезони

*Бухоро политехника касб-ҳунар коллежида таҳсил олган когонлик Беҳруз Султонов меҳнат ярмаркасида қатнашиб, ўзига мос иш топди. Унга "Нефтгазқурилиштаъмир" очиқ акциядорлик жамиятининг 2-вакиллик корхонасида фаолият юритиш учун йўлланма берилди. Албатта, Беҳруз бундан хурсанд. Ахир энди у минглаб тенгдошлари қатори меҳнат қилиб, ўз оиласига, эл-юртга наф келтиради. Жамиятда ўрнини топади. Орзу-умидлари рўёбига эришади.*

БАНДЛИК

— Жорий йилнинг ўтган даврида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида олтита ана шундай ярмарка ўтказдик, — дейди Когон тумани Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Муҳаммад Мавлонов. — Бу тадбирларга ишсиз фуқаролар, коллеж битирувчилари ҳамда мамлакат Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатилган жами 500 нафар киши жалб қилинди. Натижада улардан 226 нафари ўзлари танлаган меҳнат жамоалари билан шартномалар имзолаб, фаолиятини бошлаб юбордилар.

Дарҳақиқат, таҳлиллар ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта эканлигини кўрсатмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоятда 92 та ана шундай тадбир ташкил этилиб, 3624 нафар киши муқим иш ўрнига эга бўлгани бунинг тасдиғидир.

— Аҳоли бандлиги — турмуш фаровонлигини белгиловчи асосий мезон, иқтисодиётнинг жадал ривожини таъминлайдиган муҳим омилдир, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси масъул ходими Ботир Қурбонов. — Кейинги йилларда мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳити туфайли кўплаб корхоналар ўз фаолиятини йўлга қўйди. Минглаб янги иш ўринлари яратилди. Бу борада Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, айниқса, катта самара бераётир. Хусусан, вилоятимизда ҳам ушбу қарор ижросини таъминлашда ҳудуддаги 13 та Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда уларнинг юздан зиёд турғун пунктлари фаоллик кўрсатаётир. Улар мазкур жараёнда инвестиция, саноатни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, камқувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қатор дастурларга таянишаётгани айни муддао бўлаяпти. Масалан, жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда 59717 та иш ўрни ташкил этилиб, белгиланган кўрсаткичлар 105,2 фоизга бажарилганини ана шу саъй-ҳаракатлар меваси, деб баҳолаш мумкин.

Дарвоқе, жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларини барқарор иш ўрни билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишаяпти. Шу мақсадда вилоятда 38 та ишчи гуруҳи тузилганини таъкидлаш лозим. Улар кўмагида жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган йигирма минг нафардан зиёд йигит-қиз ишли бўлди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги 777 нафар битирувчи молия муассасалари томонидан ажратилган 7 миллиард 942 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар асосида ўз бизнесини йўлга қўйдилар. Бу эса, ўз навбатида, 782 та иш ўрни яратилишига хизмат қилди.

Имкониятлар кўлами кенглигидан далолат берувчи бундай тадбирларнинг маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, молия муассасалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётгани юқори самара бермоқда.

Зеро, бу ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад битта. Яъни мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор экан, ҳеч ким меҳр ва эътибордан, давлатимиз ғамхўрлигидан четда қолмайди. Бу эса юртдошларимизни иш билан таъминлаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш сезиларли даражада соддалаштирилди. Бунинг учун таъсис ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаларини тақдим қилиш, давлат рўйхатидан ўтгунга қадар устав фондининг бир қисмини шакллантириш, қўшимча равишда тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун кичик тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш ҳамда ҳисоб рақами очишда нотариал тасдиқланган имзо намуналарини тақдим этиш талаблари бекор қилинди.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 3 йил давомида режали солиқ текширувларидан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган тадбиркорлик субъектлари эса 3 йил давомида солиқ текширувларидан озод этилгани яна бир қулайлик бўлди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Солиқ ҳисоботлари сонининг йирик корхоналар учун 2,3 марта, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун 1,7 марта қисқартирилгани, боз устига уларни электрон кўринишда амалга ошириш имконияти яратиб берилгани ҳам моддий, ҳам маъмурий харажатларнинг тубдан камайишига олиб келди. Бундан ташқари, божхона расмийлаштируви ҳамда хўжалик судларига даъво аризалари ҳам шу усулда берилаяпти.

**Кичик бизнес:**

# МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Мамлакатимиз экспорт салоҳияти юксалишида ҳам кичик бизнеснинг роли тобора кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Бу тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган янгиликларнинг юксак самарасидир, албатта. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида рухсат бериш хусусиятига эга бўлган 20 дан ортиқ ҳужжат бекор қилингани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилиши эса соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи бозорга ҳам сифати, ҳам нархи бўйича рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мустаҳкам замин яратди. Бу каби қулай ишбилармонлик муҳити туфайли 2002 — 2012 йиллар давомида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 2 баробар ошди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, хусусий тадбиркорлик дастлаб савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳисобига ривожланган бўлса, айни пайтда у кириб бормаган соҳа деярли қолмади. Илғор илм-фан ютуқларига асосланган саноат тармоқлари дейсизми, фармакология ва фармацевтика дейсизми, ахборот-коммуникация тизими ёхуд муқобил энергетика турларидан фойдаланиш бўладими — буларнинг барчасида кичик бизнес субъектлари самарали фаолият юритиб, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотларга тўлдирмоқда, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Пировардида у миллий иқтисодиётимизнинг таянчига айланди. Агар 2002 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 35,5 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келган бўлса, 2012 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 54,6 фоизни ташкил этди. Айниқса, иқтисодиётимизнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис, пуллик хизматлар каби тармоқларида муҳим ўрин тутаётганини, меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 76 фоизи шу соҳада банд эканлигини инобатга олсак, бу Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг нақадар тўғрилигидан далолат беради.

Истиқболдаги асосий мақсадимиз кичик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини ошириш, соҳанинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги, шу жумладан, ташқи савдодаги улушини кўпайтириш экан, бу, ўз навбатида, юртимизда тадбиркорлар учун яратиб берилган ҳуқуқий имконият ва имтиёзлар, қулай инвестициявий муҳитни янада такомиллаштиришни тақозо қилади. Шу боис 2011 йилдан бошлаб мамлакатимизда мавжуд ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини баҳолаш тизими амалиётга жорий этилди. Унинг доирасида ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолатини баҳолаш учун тадбиркорлик субъектлари орасида сўров ўтказиб келинмоқда. Унда иштирок этганлар томонидан ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати ҳамда кутилаётган ўзгаришлар барқарор ижобий баҳоланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Сўров натижаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик субъектларининг юқори баҳолари, биринчи навбатда, солиқ муҳитидаги ижобий ўзгаришлар, жумладан, солиқ ҳисоботларини электрон тарзда топшириш учун яратилаётган енгилликлар, солиқ юки даражасининг камайиши, ҳисоботларни топшириш муддатларининг оптималлаштирилиши билан боғлиқ. Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтиш тартиб-таомилларининг соддалаштирилиши, маҳаллий хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг мавжудлиги, уларни биржа савдолари орқали харид қилиш имконияти, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг (консалтинг, маркетинг, аудит ва баҳолаш хизматлари) яратилганлиги соҳа ривожида ҳал этувчи аҳамият касб қилаётгани қайд этилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланганлиги бугун эришилаётган ютуқларга яна бир муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

**Дилшод АБДУАЗИЗОВ,**
**Иқтисодиёт вазирлигининг бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

---

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 5 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2066,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3468,05 |
| 1 Дания кронаси | 393,75 |
| 1 БАА дирҳами | 593,14 |
| 1 АҚШ доллари | 2178,56 |
| 1 Миср фунти | 316,23 |
| 1 Исландия кронаси | 17,93 |
| 1 Канада доллари | 2091,55 |
| 1 Хитой юани | 357,22 |
| 1 Россия рубли | 67,70 |
| 1 Украина гривнаси | 272,56 |
| 1 Малайзия ринггити | 686,16 |
| 1 Польша злотийси | 701,83 |
| 1 СДР | 3337,01 |
| 1 Туркия лираси | 1082,51 |
| 1 Швейцария франки | 2386,68 |
| 1 евро | 2961,92 |
| 10 Жанубий Корея вони | 20,51 |
| 10 Япония иенаси | 220,64 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Канаданинг Монреаль шаҳридаги халқаро аэропортда Касабланка (Марокаш)дан учиб келган самолёт қўниш вақтида ёниб кетди.*

## Қўниш вақтидаги бахтсизлик



Фожиа юз берган вақтда “Royal Air Maroc” авиакомпаниясига тегишли ушбу лайнер бортида 258 нафар йўловчи бўлган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида уларнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Фақат беш киши енгил тан жароҳати олган.

Ёнғин самолётнинг юкхонасида келиб чиққан. Бунга нима сабаб бўлгани ҳақида маълумотлар йўқ.

## Жаримага тортилди

*Фармацевтика соҳасида фаолият олиб борувчи АҚШнинг “Johnson & Johnson” компанияси 2,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилди.*

PRODUITS MÉDICAUX
Johnson & Johnson
MEDICAL PRODUCTS
A DIVISION OF Johnson & Johnson, INC.

Бунга мазкур корхона томонидан болалар, кекса кишилар ва ногиронларга мўлжалланган кучли таъсир қилувчи психиатрик дори воситалари сотиб келингани сабаб бўлди. Аниқланишича, ушбу препаратлар мамлакат ҳукумати билан келишилмасдан ишлаб чиқарилган.

Бундан ташқари, “Johnson & Johnson” маъмурияти ана шундай дори воситаларини мижозларга тавсия қилган шифокор ва фармацевтларга мукофотлар ҳам бериб келган. Компания бу қилмиши учун ҳам жазога тортилиши айтилмоқда.

## Мақсадсиз фойдаланганни учун танқид қилинди

*Европа Иттифоқи Италия ҳукуматини 2009 йили мамлакатнинг Аквила шаҳрида юз берган кучли зилзила оқибатларини бартараф этиш учун ажратилган маблағдан самарали фойдаланмагани учун танқид қилди.*



Манбага кўра, ўшанда ташкилот қошидаги Бирдамлик жамғармаси вайроналар кузатилган ҳудудда янги тураржойлар қуриш учун 500 миллион евро миқдорида сармоя ажратган эди. Ана шу маблағ эвазига барпо этилган янги аҳоли яшаш массивларида бир қатор камчиликлар аниқланган. Хусусан, канализация ва сув тармоқлари сифатсиз ўрнатилган ҳамда уйларнинг деворларида тез-тез ёриқлар пайдо бўла бошлаган. Бу эса маҳаллий аҳолининг норозилигини келтириб чиқармоқда.

## Кам ухлаган кўп ейди

*Кўп ухлайдиган болалар камроқ овқатланади. Бу хулосага АҚШлик бир гуруҳ олимлар томонидан олиб борилган кузатишлар якунида келинди.*

Тадқиқотларга етти ёшдан ўн бир ёшгача бўлган 37 нафар бола жалб этилган. Улар орасида соғлом ва семизликдан азият чекаётганлари ҳам бор эди.

Маълум бўлишича, кунига ўн соатдан кўпроқ ухлайдиган болаларнинг организми очликни ҳис қилувчи гормонларни камроқ ишлаб чиқарар экан. Кам ухлайдиган болаларда эса бунинг акси кузатилган. Шу боис улар тенгқурларига кўра кўпроқ овқат ейдилар.

## Ўрдакбуруннинг янги тури

*Австралиялик олимлар олдин фанга маълум бўлмаган ўрдакбуруннинг қолдиқларини топишди, дейилади “Journal of Vertebrate Paleontology” нашри хабарида.*

Улар ҳозиргиларига қараганда каттароқ бўлиб, танасининг узунлиги бир метргача етган. Шунингдек, жонзотларнинг тишлари мустаҳкамроқ бўлган. Бу эса уларнинг айрим турдаги жониворлар билан ҳам озиқланганини англатади. Ўрдакбурун топилган жойдан тошбақа косаси ҳам чиққани ушбу фаразлар ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЖАРАЁН

*Тошкент шаҳри аҳолисига коммунал хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди.*

*Маълумки, пойтахтимизда 2,3 миллион нафардан ортиқ киши истиқомат қилади. Бундай улкан нуфусга эга шаҳар аҳлини иссиқлик тизими билан узлуксиз таъминлаш, кўп қаватли уйларни шай ҳолатга келтириш хизмат кўрсатувчилар зиммасига ўзига хос масъулият юклайди, албатта. Шу боис мазкур долзарб масала мутасаддиларнинг диққат-эътиборида турибди.*

# «Тошиссиққуввати»нинг кафолатли хизмати

### пойтахт аҳолиси турмуш даражасини яхшилашда катта аҳамият касб этмоқда

— Бунда аниқ иш режалари ишлаб чиқилгани айни муддао бўлмоқда, — дейди “Тошиссиққуввати” ИЧБ УК бош директори вазифасини бажарувчиси Абдунаби Нурмуҳамедов. — Бирлашмамиз жамоаси салкам 1354,5 километрлик иссиқлик тармоғи, 2709 километр узунликдаги қувурларни эксплуатация қилиш ва бир қанча қозонхона ҳамда насос станцияларини таъмирлаш билан шуғулланади. Олиб бораётган ишларимизнинг барчаси иссиқлик таъминотини яхшилаш, аҳолининг фаровон турмуш кечириши ва самарали меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Зеро, бирлашмамиз ходимларининг биринчи даражали вазифалари энг мураккаб иссиқлик-техник ускуна ва иссиқлик тармоқларини 2013/2014 йиллар куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлашдан иборат. Чунки айнан ушбу ускуналар ёрдамида шаҳарда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш юмушлари амалга оширилади.

Эътиборли жиҳати, бирлашма ишчи-ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозиргача қозонхоналардан 480 таси жорий, 16 таси тубдан таъмирланди. 30,534 километрлик эскирган қувурлар янгиланиб, 54,572 километрлик қувурларнинг иссиқлик изоляцияси қайта тикланди. 12 та насос станцияси, шунингдек, 442,497 километрлик магистраль ва иссиқлик тақсимлаш тармоқлари мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Хабарингиз бор, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражасини фаровонлаштириш, уларга муносиб тураржой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиш, янги уйлар қуриш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш, тоза ичимлик суви, электр энергияси ҳамда иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш юзасидан кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Бугунги кунда “Тошиссиққуввати” жамоаси мазкур дастур доирасида



муҳандислик тизими ўтган жойларни ободонлаштириш, асфальтлаш, ер усти тармоқларида эскирган иссиқлик изоляциясини ўзгартириш, қувурлар таянчларини бўяш, иссиқлик ҳисобини юритиш пунктларини созлаш, иссиқлик камераларини реконструкция қилиш, плиталарни алмаштириш сингари тадбирлар орқали маҳаллалар ташқи қиёфасини, мавзелар ҳудудидаги кўчаларнинг техник ҳолатини, ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш, умуман, аҳоли учун қулайлик яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, корхона маблағлари ҳисобидан аввал қурилган болалар майдончалари тикланиб, янгилари барпо қилинмоқда. Йўл чеккаларига манзарали ва мевали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонунига биноан, ХУМШ хонадон эгаларининг уйдаги мулкини сақлашга оид мажбурий бадаллари ҳисобидан умумий уй-муҳандислик тармоқларига хизмат кўрсатишнинг сифати учун ҳам масъул ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, “Тошиссиққуввати” унитар корхонасининг катта иш тажрибаси ва юқори малакага эга мутахассислари бу борадаги ишларни ташкил этиш юзасидан ширкатларда ҳамда аҳоли ўртасида мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб келишмоқда. Бундан ташқари, бирлашма томонидан пойтахтимиз аҳолисига кўрсатилган иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш ва уларни кузатиш бўйича кўплаб замонавий хизмат турларини таклиф этмоқда. Шулардан бири — биллинг тизими бўлиб, у коммунал хизматлари истеъмолчиларининг барча тоифаларига хизмат кўрсатиш ва ҳисоб-китоб қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини беради. Бунинг маъноси шуки, ушбу тизим ёрдамида коммунал хизматлар истеъмоли ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, уларнинг тарификациясини аниқлаш, абонентларга тўловнома бериш ёки улар билан қайта алоқа ўрнатиш мумкин.

Жорий йилнинг август ойида бирлашма, шунингдек, БМТнинг Тараққиёт дастури билан биргаликда коммунал хизматлар ҳисобини юритиш ва ҳақини тўлаш бўйича электрон тизимни жорий этиш қўшма лойиҳасида қатнашди. Унда пойтахт ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳнинг хулосасига кўра, биллинг тизимини синовдан ўтказиш ҳудуди сифатида Мирзо Улуғбек тумани танланди. Лойиҳани амалга ошириш учун эса БМТ Тараққиёт дастури томонидан 65 минг АҚШ доллари ажратилди. Бу маблағлар мижозлар маълумотлар базаси ва биллинг тизимлари учун ягона техник талаблар ҳамда ўлчамларни ишлаб чиқиш, синов лойиҳасини яратишда асосий йўналишларни аниқлаш, юқори малакали халқаро маслаҳатчиларни жалб этиш, коммунал хизматлар бўйича электрон биллингни қўллашга доир илғор хорижий тажрибани ўрганиш, муҳими, коммунал соҳанинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишга йўналтирилади.

Қолаверса, айни пайтда “Тошиссиққуввати” раҳбарияти абонентлар билан ишлаш тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиб, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун янги дастурларни амалиётга татбиқ этаётир.

Мухтасар айтганда, “Тошиссиққуввати” унитар корхонаси жамоаси томонидан куз-қиш мавсумига кўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Тизимда замонавий хизматларнинг жорий этилаётгани эса бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтараяпти.

**У. АЗИЗОВ.**

Реклама ўрнида

# Солиқ тўловчилар учун қулайлик

*Бугунги кунда ахборот-коммуникация тизими жадал тараққий этиб, турмуш тарзимизга чуқур кириб бормоқда. Бунда, айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.*

ЯНГИЛИК

Чунки ушбу ҳужжатга мувофиқ, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, аҳолига интерактив хизматлар кўрсатиш учун мажбурий тартибда шарт-шароитлар яратиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “www.soliq.uz” расмий сайти орқали юридик ва жисмоний шахсларга 29 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилаётгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Улардан бири — “СТИРингизни аниқланг” интерактив хизмати ёрдамида, масалан, жисмоний шахс солиқ идорасига келмасдан, интернет тармоғи орқали ўзига тегишли бўлган солиқ тўловчининг идентификация рақамини аниқлаши ва СТИР берилганлиги тўғрисидаги 06-шакл маълумотномасини қайд этиб олиши мумкин. Мазкур маълумотноманинг ҳаққонийлигини Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти орқали текшириш имконияти ҳам мавжуд. Бунинг учун фамилия, исм, туғилган сана, паспорт серияси ва рақамини кўрсатиш кифоя. Интерактив хизмат Давлат солиқ қўмитасининг солиқ тўловчи жисмоний шахслар ягона реестридан сўров шартларига тўлиқ мос келадиган қайдни тезда топиб, натижани кўрсатади.

Бундан ташқари, интерактив хизматдан “Android” тизимидаги замонавий смартфонларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган мобиль дастур ёрдамида ҳам фойдаланса бўлади. Бу дастур қўмитанинг расмий сайтига ва “Google Market” тизимига жойлаштирилган. Интерактив хизматдан фойдаланиш бепул ва электрон рақамли имзони талаб этмайди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида “СТИРингизни аниқланг” интерактив хизматига 12 мингдан ортиқ мурожаатлар бўлгани унинг истиқболли эканлигидан далолатдир.

**Ҳаётжон НАСРУЛЛАЕВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси техник бошқармасининг бўлим бошлиғи.**

***Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!***

**«SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига қуйидаги мулк қўйилмоқда:* Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2013 йил 12 августдаги 20-1302/6906-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Амир Азимбек» МЧЖга тегишли, Бухоро шаҳри, Турди Фароғий кўчасида жойлашган, умумий майдони 144,0 кв.м.дан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.

**Бошланғич баҳоси — 114 359 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да, кўчмас мулк мазкур санадаги кимошди савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
— савдо ташкилотчисининг Бухоро шаҳар ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
— талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур кўчмас мулк қуйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган санада суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефонлар: (8-365) 221-51-62, (+99894) 248-48-65.**

1841А/1034

«SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 31 октябрдаги 213 (5887)-сонида чоп этилган эълондаги савдо ташкилотчисининг банк номи ва ҳисоб рақами ўзгарганлиги сабабли улар қуйидагича ўқилсин: «Ҳамкорбанк» ОАТБ Бухоро филиали, ҳисоб рақами: 20208000004935078002, МФО: 00966, СТИР: 302097424. *Лицензия RR-0048.*

САНОАТ КОРХОНАСИ



*4 — 6-разрядли* электромонтажчиларни, *4 — 6-разрядли* ускуналар монтажчи-созловчисини

доимий ишга таклиф қилади.

**Иш ҳақи — 2 млн. сўм.**

**Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.**

**Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.**

1751А/996

● Реклама ва эълонлар ●

**«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

*Очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**1.** Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 5 майдаги 15-0904/9356-сонли ижро варақаси ҳамда Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 2 ноябрдаги 01-5774/2-сонли хатига асосан, Учкўприк тумани, «Сариқўрғон» ҚФЙ, Қўқонбой қишлоғида жойлашган, 1978 йилда қурилган, қурилиш эгаллаган майдон 231,30 кв.м. бўлган марказий таъмирлаш устахонасининг бир қисми бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 18 534 139 сўм.***

**2.** Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 13 майдаги 15-1203/31226-сонли ижро варақаси ҳамда Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 2 ноябрдаги 01-5774/2-сонли хатига асосан, Қўқон шаҳри, 61-сонли МФЙ, Муқимий шаҳарчасида жойлашган, Қўқон шаҳар «Сувоқова» ИЧКга қарашли 35-сонли насос биноси.

***Бошланғич баҳоси — 98 968 127 сўм.***

Очиқ аукцион савдоси 2013 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2013 йил 6 ноябрдан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 5 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Мазкур кўчмас мулклар 2013 йил 9 декабрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йил 25 декабрь куни бўлиб ўтади, аризаларни қабул қилиш бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида мулк номи кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

Амалдаги тартибга асосан, аукцион ғолиби томонидан 5 банк кунидан кечиктирмасдан кўчмас мулк қийматини тўлаш шарти белгиланади.

**Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, «Effect real group» МЧЖ. Телефон: (+ 99895) 404-54-84.**

1840А/1033

*Лицензия: RR 0094.*

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

# Ўзбек халқ ижодиёти ва анъаналари Пекинда намойиш этилди

ЭЪТИРОФ



*Яқинда Хитой халқ университетида бўлиб ўтган 13-Халқаро маданият фестивали доирасидаги турли маданий тадбирлар ҳамда тақдимот ярмаркаларида Ўзбекистон халқ ижодиёти ва анъаналари ҳам муносиб намойиш этилди.*

Тадбирда мазкур олий ўқув юрти раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, мамлакатда аккредитациядан ўтган чет эл дипломатия миссиялари, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек миллий либослари, сўзана, ёғочдан ясалган нафис буюмлар, сопол идишлар сингари халқ амалий санъати намуналари билан безатилган Ўзбекистон экспозицияси тадбир иштирокчилари билан гавжум бўлди. Эътиборлиси, мустақиллик йилларида юртимиз эришган кенг кўламли муваффақиятлар, "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ахборот материаллари уларни бефарқ қолдирмади.

Маданият анжуманининг очилиш маросимида **Хитой халқ университети вице-президенти Ян Хуэйлин** ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад талабалар билимини ошириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, шунингдек, турли халқлар миллий маданиятини ўрганиш билан изоҳланишини қайд этди.

Ян Хуэйлин Ўзбекистон экспозицияси ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, мамлакатимиз тақдимоти унга "Бой тарихий меросга эга ўзбек халқининг ўзига хослиги ва маънавий оламини, очиқкўнгиллиги ҳамда меҳмондўстлигини ҳис қилишга имконият яратганини" айтди.

**Хитой халқ университети халқаро департаменти директори Шэн Сивэн** ўлкамиз тақдимоти ўзининг ёрқинлиги билан ажралиб турганини таъкидлаш баробарида, у маданий ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги эзгу мақсадга хизмат қилишини, шунингдек, янги алоқаларни йўлга қўйиш ва республикамизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб этишга кўмаклашишини билдирди. Унинг эътирофича, мазкур тадбир уюштирилишида Пекиндаги турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбек талабаларининг фаол иштироки уларнинг ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббатидан далолатдир.

Мамлакатимиз тақдимоти доирасида Н. Сунatова, Р. Ҳошимова ва бошқа таниқли ўзбек фотоусталарининг кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Юртимиздаги бетакрор тарихий-маданий ёдгорликлар, ўлкамизнинг гўзал табиати ҳамда ўзига хос миллий анъаналари акс этган ранг-баранг суратлар билан танишув тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин

## Спорт

*Яқинда Наманганда 1998 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича республика чемпионати ўтказилди. Мусобақада мезбон вилоятнинг ёш футболчилари ғолибликни қўлга киритишди.*



# Катта майдон сари дадил одимлар

Бундан мураббийлар ҳам, ота-оналар ҳам бирдек хурсанд бўлдилар. Чунки ушбу муваффақият орқали вилоятда болалар ва ўсмирлар ўртасида "миллионлар ўйини" жадал оммалашиб, иқтидорли футболчилар камолга етиб бораётгани яна бир бор ўз исботини топди.

Аслида, спортга дадил қадамлар ана шундай кичик майдонларда қўйилади. Шу жиҳатдан олганда, маҳалла жамоалари, таълим даргоҳларида орттирилган маҳорат истеъдоднинг сайқал топиб, юзага чиқишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Масалан, бугун миллионлаб мухлисларнинг севимли спортчисига айланган миллий терма жамоамиз аъзоси Одил Аҳмедов ҳам бир вақтлар ана шундай шароитда тўп тепиб, мутахассислар эътиборига тушган. Кейинчалик у сабоқни вилоят марказидаги 15-футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатида олган. Айтиш жоизки, унинг истеъдодини рўёбга чиқарган мазкур даргоҳ эндиликда мамлакатимиз футболи ривожига муносиб ҳисса қўшаётган таълим муассасаларидан бирига айланди. Бу, энг аввало, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланганини, ўқитувчи ва мураббийлар малакасининг тобора юксалиб бораётгани билан боғлиқдир. Айни пайтда мактаб замонавий ўқув биноси, иккита футбол майдони ҳамда назарий машғулотларни амалда мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитга эга. Бундан ташқари, тарбияланувчилар таълим муассасаси қошидаги "Ёш куч" ўйингоҳи ва "Навбаҳор" клубининг захира майдонидан ҳам фойдаланишади.

Ёшларга футбол сир-асрорларини ўргатаётган 14 нафар мураббийнинг аксарияти ўз вақтида турли жамоаларда тўп суриб, бой тажриба тўплаган. Чунончи, бу ерда ёшларга сабоқ бераётган Аббос Латифбоев, Анвар Боқиев ва Акмал Теляков бир вақтлар "Навбаҳор" клубида муваффақиятли тўп сурган. Шогирдлар ҳам улар изидан бориб, мухлислар эътиборини қозонишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, ушбу мактаб-интернатда таълим олган Санжар Тошпўлатов, Мирзоҳид Маҳкамов, Шоҳруҳ Сайфиддинов сингари умидли ёшлар ҳозир "Навбаҳор" жамоасининг ўринбосарлари сафида, Азим Аҳмедов ва Илҳом Бойдадаев клубнинг асосий таркибида майдонга тушишмоқда.

— Мураббийларнинг кўпчилиги истиқболли ўйинчиларни ёшлигидан кузатиб боришади, — дейди мактаб-интернат директори Ҳасанбой Саитбоев. — Масалан, "Пахтакор" клуби аъзоси ва ҳозир Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафига жалб этилаётган Владимир Козак, шунингдек, олий лиганинг бир қатор жамоаларида тўп сураётган Отабек Валижонов, Обид Жўрабоев, Абдураззоқ Жўраев, Исроил Эргашев сингари футболчилар мактабимизда ўқиб юрган кезлариёқ мутахассислар назарига тушишган эди. Уларнинг маҳоратлари сайқал топишида А. Латифбоев, А. Ғиёсов, А. Холмирзаев, У. Отахонов каби мураббийларимизнинг хизматлари катта. Умуман олганда, ҳозир мамлакатимиз олий лигаси жамоаларида 14 нафар битирувчимиз тўп сураяпти. Вилоят биринчилигида иштирок этаётган жамоалар таркибининг қарийб 70 фоизи собиқ тарбияланувчиларимиз ҳисобланади. Бугун бу ерда сабоқ олаётган 230 нафар шогирдимиз орасида ҳам истеъдодлилари жуда кўп. Вақти келиб улар ичидан ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир кўплаб маҳоратли футболчилар етишиб чиқади.

Бундан ташқари, мактаб-интернат тарбияланувчилари республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Масалан, кейинги беш йил давомида мамлакат миқёсидаги беллашувларда беш маротаба биринчи ўрин қўлга киритилди. Республика футбол мактаб-интернатлари ўртасида ташкил этилган баҳсларда ҳам мазкур таълим даргоҳи ёшлари шоҳсупанинг юқори поғонасини беш бор забт этишган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## Олтин медаль — «Севинч»да

*Футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон XIX миллий чемпионати якунланди.*

Ўн бир жамоа иштирок этган мусобақада Қаршининг "Севинч" жамоаси 58 очко жамғариб ғолибликни қўлга киритди. Шу тариқа қаршилик футболчилар тўққизинчи бор мамлакат чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

Андижоннинг "Андижанка" жамоаси 47 очко тўплаган ҳолда иккинчи поғонадан жой олди. Ўзбекистон чемпионатининг бронза медали дебютант — Бекободнинг "Металлург" жамоасига насиб этди.

Мусобақанинг тўпурарлар баҳсида 38 та гол киритган "Севинч" ҳужумчиси Зебо Жўраева биринчи бўлди.

## Ғолиблар аниқланди

*Наманганда 1997 — 1998 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.*

Унда 13 жамоа совринли ўринлар учун баҳс олиб борди. Қизиқарли курашларга бой кечган беллашувлар якунида Тошкент шаҳри жамоаси чемпионликка эришди. Пойтахтликлар финалда мезбонларни 54:43 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Учинчи ўрин учун Фарғона ва Самарқанд вилоятлари жамоалари ўзаро мусобақалашди. Ўйинда самарқандлик баскетболчилар 46:42 ҳисобида зафар қучдилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## Саҳнада — янги асар

*Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси томонидан Р. Муҳаммаджонов қаламига мансуб "Ойдин" асари саҳналаштирилди.*

ТАҚДИМОТ

Ушбу спектаклда бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири — одам савдосининг аянчли оқибатлари турли воқеалар орқали очиб берилган.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов саҳналаштирган, Гулноза Усмонова, Маъмура Раҳимова, Моҳира Ёқубжонова каби театрнинг иқтидорли актриса ҳамда актёрлари томонидан ижро этилган ушбу асар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




**«Қибрай»**
*клиник санаторийси*

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

*Манзилимиз:*
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

*Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.*

735AA/444



● Реклама ва эълонлар ●

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 199-19-37 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к. | (8-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | (8-373) 552-20-11, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00) (8-373) 552-34-17, 552-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9 | (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (8-367) 227-16-20, 225-49-75 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-17 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-04 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-46 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-12-02 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 601-11-53, 601-12-39 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-86 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-84 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-67 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Жаслик кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси | (8-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (8-376) 227-37-62, (8-595) 501-11-07 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41(соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-12 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-14 |
| **Иккинчи линия техник цехи** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (8-375) 505-05-13, (8-595) 505-05-41 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-436) 224-74-21 (8-595) 603-07-38 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-595) 603-33-19 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-598) 278-74-22 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-595) 603-12-84 |

360R/150



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5